

Захирова Г.М.,

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети ўқитувчиси

МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИНГ СИФАТИ ҲАМДА УНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

ЗАХИРОВА Г.М. МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИНГ СИФАТИ ҲАМДА УНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Мақолада меҳнат шaroитлари сифатини баҳолашга турлича ёндашувлар таҳлил қилинган. Ёлланма ишчилар меҳнат шaroитлари сифатини баҳолаш услубияти ўрганилган.

Таянч иборалар: меҳнат шaroитларининг сифати, меҳнат шaroитлари сифатини баҳолаш, меҳнат шaroитларининг сифат кўрсаткичлари тизими, ёлланма ишчилар, индексли усул.

ЗАХИРОВА Г.М. КАЧЕСТВО УСЛОВИЙ ТРУДА И КРИТЕРИИ ЕГО ОЦЕНКИ

В статье проанализированы различные подходы по оценке качества условий труда. Изучена методика оценки качества условий труда наёмных работников.

Ключевые слова: качество условий труда, оценка качества условий труда, система качественных показателей условий труда, наёмные работники, индексный метод.

ZAHIROVA G.M. QUALITY OF LIFE WORK AND ASSESSMENT CRITERIA

The article analyzed the different approaches to assess the qualitative characteristics of individual's working life. Studied the method of estimation of the quality of working life of wage earners.

Keywords: quality of working life, assessment of the quality of working life, the system of quality indicators of working life, hired workers, the index method.

Ҳозирги вақтда «меҳнат шароитлари сифати» тушунчасининг мазмунини ва уни баҳолаш механизмининг аниқлаш масаласи илмий адабиётларда тўлиқ ёритилмаган. Чет эллик илмий мактаблар вакиллари томонидан таклиф қилинган меҳнат шароитлари сифати тушунчасини таърифлашга ёндашувларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш мазкур тушунчанинг мазмуни бўйича турлитуман нуқтаи назарлар мавжудлигини эътироф этиш имкониятини беради. Бундай вазият меҳнат шароитлари сифатини ўрганиш назарияси ва услубиятини янада ривожлантириш зарурлигидан далолат беради.

Меҳнат шароитлари сифати тушунчасининг мазмуни ва моҳиятини тушуниш учун объект-субъектли, тизимли ва жараёнли ёндашувлардан фойдаланиш лозим. Шунингдек, субъект-объектли ёндашув нуқтаи назаридан меҳнат шароитлари сифати деганда ёлланма ишчи, бригада, цех ва корхона бутун жамоаси меҳнат шароитининг сифати тушунилади.

Тизимли ёндашув нуқтаи назаридан меҳнат шароитлари сифати – ишлаб чиқариш жараёни, меҳнат муҳофазаси ва шароитини шундай ташкил қилиш шакллари мажмуи бўлиб, улар жорий ва келгусидаги ижтимоий-меҳнат эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни, ёлланма ишчилар меҳнат ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш ва мулкдорлар манфаатларини қондиришни таъминлайди.

Жараёнли ёндашувга мувофиқ, ижтимоий-меҳнат шароитлари сифати ривожланиб бораётган тушунча сифатида қаралади. Бундай қарашга кўра, меҳнат шароити илмий-техника тараққиёти ва жамият ривожланиб бориши билан узлуксиз яхшиланади. Шу билан бир вақтда, меҳнат шароитлари сифатининг ўсиши мулкдорлар манфаатларини рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

Мамлакат ёлланма ишчилари меҳнат шароитлари сифатининг ошиши ҳамда унинг ривожланган мамлакатларда эришилган даражага яқинлашиши барча ҳокимият даражаларидаги раҳбарлар олдига турган усту-

вор вазифа бўлиши керак. Алоҳида хўжалик субъектлари ҳам бу мақсадга эришишга интилишлари зарур бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг фаолияти кўпинча ижтимоий тавсифга эга бўлади.

Меҳнат шароитлари сифатининг ўсиши ва бошқарув механизмининг шунчалик мураккаб ишлаб чиқилиши қатор вазифаларнинг ҳал қилинишини талаб қилади.

Биринчидан, меҳнат муносабатлари амалиётида юзага келган асосий тенденцияларни баҳолаш зарур.

Иккинчидан, турмуш сифати ва минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ўзаро боғлиқ баҳолашда нафақат самарали ёлланма ишчилар меҳнат шароитлари сифати тўғрисида аниқ миқдорий маълумотлар олиш, балки меҳнат шароитлари сифатини ошириш ва хавfli ижтимоий-руҳий билим олдини олиш тенденцияларининг доимий мониторингини амалга ошириш имконини берадиган воситаларини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Бундай воситаларнинг муҳим аҳамиятига қарамасдан, ҳозирги пайтда улар мавжуд эмас. Айни вақтда меҳнат шароитлари сифатини баҳолашга бир неча концептуал ёндашувлар амал қилмоқда.

Меҳнат шароитлари сифатини баҳолашга бағишланган адабиётлар таҳлили мазкур ҳодиса тадқиқотига асосан, уч хил ёндашув мавжудлигини кўрсатади:

- 1) ягона мезонлар билан таққослашга асосланган мутлақ баҳолаш услуги;
- 2) хусусий ёки маҳаллий мезонларни ҳисобга оладиган нисбий баҳолаш услуги;
- 3) ёлланма ишчиларда меҳнат шароитлари турли жиҳатлари билан боғлиқ равишда юзага келадиган тасаввурлар таҳлилига асосланган субъектив баҳолаш услуги.

Ҳозирги вақтда учинчи ёндашув кўпроқ тарқалган. Шунингдек, 1961 йилда Л.В. Портер томонидан ишлаб чиқилган эҳтиёжларнинг қондирилиши даражасини ўрганишга қаратилган анкета сўрови хорижда оммалашди. У қониқиш даражасини аниқлаш

имкониятини берадиган масалалар блокини ўз ичига олади:

1) яшаш учун зарур воситалар олиш ва хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ ҳаётий эҳтиёжлар;

2) гуруҳларга аъзолик ва мулоқот билан боғлиқ ижтимоий эҳтиёжлар;

3) эго-эҳтиёжлар, мустақиллик ва мухторлик, ҳурмат қозонишга бўлган уриниш тушунилади;

4) ўз-ўзини рўёбга чиқаришга бўлган эҳтиёжлар¹.

Анкетада респондентга 7 балли шкала бўйича эҳтиёжларнинг қондирилиш даражасини баҳолаш таклиф этилади. Меҳнат шароитлари сифатини (МШС) ўлчаш эҳтиёжларни қондиришнинг кутилаётган ва ҳақиқий миқдорларини таққослаш асосида амалга оширилади.

Портер ишларининг асосий мазмуни шундан иборатки, МШСни баҳолаш услубиятини у биринчи бўлиб ишлаб чиқди. Бу меҳнат шароитлари сифати тушунчаси илмий муомалага киритилгунга қадар узоқ вақт давомида юз берганлиги таажжублидир. Портер томонидан таклиф қилинган ёндашув ва унга асосланган услубиятнинг камчилиги баҳолашлар субъективлиги, бир хилдамаслиги ва бир хил аҳамиятлимаслиги ҳисобланади.

Портернинг ёндашуви П.С.Смис, Л.М.Кендалл ва С.Л.Хулин асарларида янада ривожлантирилди. Улар беш унсурдан иборат JDI (Job Descriptive Index) индексини ҳисоблашни таклиф қилдилар. Бу кўрсаткич иш билан раҳбарият, иш ҳақи, хизмат бўйича кўтарилиш имкониятлари ва ҳамкасблардан қониқиш даражасини баҳоловчи беш унсурлардан таркиб топган. Индекснинг ҳар бир унсури 9 тадан 18 тагача бўлган мезонлардан таркиб топиб, умумий мураккаблигида эса индексни

¹ Porter L.W.A. Study of Perceived Need Satisfaction in Bottom and Middle Management Job. // Journal of Applied Psychology. 1961, Vol. 45, pp. 10.

ҳисоблашда 72 та саволга жавоблар ҳисобга олинади².

С.Стеатс ва С.Партло каби олимлар МШСни ўлчаш учун анкетадан фойдаланишни таклиф қилиб, унда респондентга жамоалар, мижозлар, иш берувчилардан қониқиш, ишнинг тавсифи, унинг давомийлиги ва хавфсизлиги каби мезонлар бўйича бажариладиган ишни баҳолаш таклиф этилади. Бундан ташқари, ишчи моддий эҳтиёжларни қондириш учун иш ҳақи етарлими-йўқми кўрсатилиши зарур³.

Тадқиқотчилар Д.И. Макнаб ва Ф.Т. Сепиклар анкета саволларига жавоблардан фойдаланиб, МШСни аниқлашни таклиф қилдилар. Унда респондентлар лавозим талаблари, меҳнат жараёнини ташкил қилиш, меҳнатни стандартлаштириш даражаси, ҳамкасблар ва раҳбарият билан ўзаро муносабатлар, ишдан қониқиш даражаси, ишчилар саломатлигининг ҳолати ва бошқа шу каби меҳнат жараёни жиҳатларини баҳоладилар.

Олимлар Т.А. Левелин ва Е.А. Вибкерлар ишдан қониқиш даражасини анкета ёрдамида аниқлайдилар, унда респондент МШСнинг қуйидаги жиҳатларини баҳолайдилар:

1) жорий ишда тўпланган тажрибадан фойдаланиш;

2) ишчига қўйиладиган талаблар;

3) раҳбарлар билан ўзаро муносабатлар;

4) иш ҳақи;

5) хизмат бўйича кўтарилиш имкониятлари;

6) иш куни давомийлигининг барқарорлиги;

7) уйдан ишгача йўлга сарфланадиган вақт миқдори;

8) ҳамкасблар билан ўзаро муносабатлар;

² Smith P.C., Kendall L.M., Hulin C.L. (1959). The measurement of Satisfaction an work and retirement. Chicago Rand McNally.

³ Staats S., Partio C. (1992). Upelts, Hassies and Quality of Life in Workers over 50 years of Age in Developments in Quality of Life Studies in Marketing Vol.4. M.Joseph Sirgy, H. Lee Meadow, Don Rahiz and A.C. Samil (Eds). Pp.101-106. Blacksburg, Virgima: Academy of Marketing Science.

9) бажариладиган иш сифати;

10) ишдаги стрессли вазиятлар сони ва бошқалар.

Левелин ва Вибкерлар респондентнинг қониқиш даражасини 6 балли шкала бўйича баҳолашни таклиф қилиб, унга кўра, қониқувчанлик энг кам даражаси мутлақ қониқиш жавобига мос келмайди, энг кўп қониқиш эса «тўла ҳажмда қондирилган» жавобда ифодаланади¹.

Илмий адабиётларда меҳнат шароитлари сифати иккита асосий усулда баҳоланади. Биринчи ёндашувга кўра, меҳнат жамоаси даромад даражаси бўйича гуруҳларга бўлинади ва анкеталаштириш ўтказилади. Ушбу услубнинг камчилиги шундаки, МШС жиҳатларининг чекланган сони, аниқроғи эса ишчиларнинг даромади ва тиббий-биологик ва моддий эҳтиёжларни қондириш даражаси ҳисобга олинади.

Иккинчи ёндашувга кўра, ташкилот ишчиларининг аниқ корхонадаги меҳнат шароитларидан қониқиш буюми сўралади. Шунингдек, Л.Г.Миляева 7 та комплекс мезонни ўз ичига оладиган саволларнинг намунавий рўйхатини ишлаб чиқди²:

- 1) ишчи меҳнатининг мазмуни ва ташкил қилиниши;
- 2) ходимни тайёрлаш, малакасининг оширилиши ва қайта тайёрланиши;
- 3) ишчиларни баҳолаш ва аттестациядан ўтказиш;
- 4) иш ўринларининг ташкил қилинганлиги;
- 5) ташкилий маданиятнинг ривожланганлиги;
- 6) ходимларни рағбатлантириш тизими;
- 7) меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши.

¹ Levelin P.A., Wibker E.A. (1990). Significance of quality of life on turnover intentions of certified public accountants in meadow, H.L., Sirgy, M.J. (Eds). Quality of life Studies in Marketing and Management. Virginia Tech. Center for Strategy and Marketing Studies Blacksburg. V.A. pp. 182-193.

² Миляева Л.Г. Методические подходы к оценке качества трудовой жизни персонала организаций. Ползуновский альманах, 2009, №1. -С. 149-154.

Миляев анкета маълумотларини акс эттириш учун Харрингтон номограммасидан фойдаланишни тавсия этади.

Таҳлил қилинаётган хусусий кўрсаткичларни беш градацияга эга бўлган хоҳишлар ўлчовсиз шкаласига айлантириш ғояси уни тузишнинг асосида ётади: «жуда ёмон», «ёмон», «қониқарли», «яхши», «жуда яхши». Меҳнат шароитлари сифати даражаси барча таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар бўйича ҳисобланган ўртача тортилган хусусий даражалар сифатида аниқланади. Бунда хусусий даражалар миқдори ҳақиқатдаги маълумотларни эксперт баҳолаш натижалари билан таққослаш орқали аниқланади³.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда меҳнат шароитлари сифатини баҳолаш учун кўрсаткичлар таркиби тўғрисидаги масала очиқ қолмоқда. Шунингдек, Б.М.Пикин МШСни баҳолаш учун фақат ишлаб чиқариш муҳити, иш жойи, меҳнатни ташкил қилиш ва ҳақ тўлаш тавсифларини ҳамда ишлаб чиқариш жамоасидаги ўзаро муносабатлар даражасини таҳлил қилишни етарли, деб ҳисоблайди⁴.

Муаллиф меҳнат шароитлари сифатини баҳолаш учун меҳнат шароитлари сифати интеграл индексини ҳисоблашни таклиф қилади. Бу кўрсаткич меҳнатнинг иқтисодий, ижтимоий-меҳнат ва экологик жиҳатларини ҳисобга оладиган кўрсаткичлар тизими асосида тузилади (1-жадвал).

Шуни таъкидлаш жоизки, 1-жадвалда келтирилган кўрсаткичлардан айримлари мутлақ миқдорларда ифодаланади. Айни вақтда бошқа кўрсаткичлар каби нисбий миқдорлар ҳам ҳисобланади. Кўрсаткичларни таққосланувчан кўринишга келтириш учун кўрсаткичлар жорий миқдори ўрнига уларнинг меъёрлаштирилган миқдоридан фойдаланилади⁵. Стандартлаштирилган кўрсаткичлардан фойдаланиб, МШС иқтисодий, ижтимоий-меҳнат

³ Ўша ерда.

⁴ Пикин Б.М. Экономика и социология труда. Учебник для вузов. – М., «Норма», 2003.

⁵ Зубарович Р.В. Социальное развитие регионов России: проблемы и тенденции.

1-жадвал. Минтақа ёлланма ишчилари меҳнат шароитлари сифатини тавсифлайдиган кўрсаткичлар тизими

Кўрсаткичлар гуруҳи	Меҳнат шароитлари сифати кўрсаткичлари
Иқтисодий кўрсаткичлар	Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот
	Минтақада зарарли ишлаб чиқаришлар салмоғи
	Саноат ишлаб чиқариши индекси
	Истеъмол нархлари индекси
	Асосий фондлар эскириши коэффициенти
	Саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида инновацион маҳсулот ҳиссаси
Ижтимоий-меҳнат кўрсаткичлари	Аҳолининг реал пул даромадлари
	1 ишчига ҳисобланган иш ҳақи бўйича муддати ўтган қарздорлик ўртача миқдори
	Яшаш минимуми миқдоридан паст даромад оладиган аҳоли салмоғи
	Ўртача жон бошига аҳоли пул даромадлари ва яшаш минимуми миқдори нисбати
	10% энг кўп таъминланган фуқаролар меҳнат даромадларининг 10% энг кам таъминланган фуқароларнинг меҳнат даромадларига нисбати
	Аҳолининг табиий ўсиши
	Ўртача умр кўриш узунлиги
	Ишсизлик даражаси
	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз вазиятлардан азият чекаётган ёлланма ишчиларнинг жами ишчилар сонидаги улуши
	Касб касалликларига учраган ёлланма ишчиларнинг жами ишчилар сонидаги улуши
	Зарарли ва хавfli шароитларда ишлаш билан боғлиқ иш ҳақи ошган ҳажми ўрнатилган ишчиларнинг жами ишчилар сонидаги улуши
Меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бермайдиган ускуналарда ишлайдиган ишчиларнинг жами ишчилар сонидаги улуши	
Экологик кўрсаткичлар	Минтақа, муниципал тузилма бюджетда атроф-муҳит муҳофазаси харажатлари
	Меъерий тозаланган оқова сувлар салмоғи
	Атмосферага чиқиндилар ҳажми
	Зарарсизлантирилган чиқиндилар салмоғи
	Чиқиндилар миқдори
	Бузилган ер майдонлари
	Қайта культивацияланган ер майдонлари
	Атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар ҳажми
Аҳолининг касалланиш даражаси	

ва экологик индексларининг оддий ўртача арифметик миқдорларини ҳисоблаш формуласи бўйича аниқлаш мумкин.

Сўнгра тадқиқотчи хусусий кўрсаткичлар асосида МШС интеграл индексини ҳисоблайди. Бу ерда интеграл индексга кирадиган кўрсаткичларнинг агрегирлаш усулларини танлаш тўғрисидаги масала вужудга келади. Одатда интеграл индекс сифатида дастлабки кўрсаткичлар тортилган суммасидан фойдаланилади, бунда салмоқли коэффициентларни танлаш асосий масала ҳисобланади.

Оддийроқ ёндашув тенг салмоқлардан фойдаланишни кўзда тутаяди. Бундан ташқари, оғирликлар мазкур минтақа ишчиларида мавжуд устуворликларга мувофиқ, белгилашни ёки эвристик таҳлил ёрдамида экспертлар томонидан аниқланиши мумкин.

МШС хусусий кўрсаткичларини интеграл индексга агрегирлаш қуйидаги оддий ўртача арифметик миқдорни ҳисоблаш формуласи бўйича амалга оширилади:

$$K_{\text{интегр}} = (K_{\text{икт}} + K_{\text{ижт-меҳ}} + K_{\text{экол}}) / 3$$

Меҳнат шароитлари сифатини баҳолаш тегишли кўрсаткичларининг вақт жиҳатдан миқдорига таққослашни кўзда тутиш лозим бўлиб, улардаги тармоқлараро, минтақалараро тафовутларни аниқлаш имконини беради. Ёлланма ишчилар меҳнат шароитлари сифати интеграл кўрсаткичларининг ижобий динамикаси минтақанинг барқарор ривожланишидан далолат беради.

Меҳнат шароитлари сифати интеграл кўрсаткичини халқаро миқёсда таққослаш ҳам муҳим, чунки бизнинг мамлакатимиз меҳнат соҳасидаги ижтимоий муаммоларни қанчалик самарали ҳал этаётганлигини

кўрсатади. Ижтимоий-меҳнат шароитлари сифати интеграл кўрсаткичи ижтимоий-меҳнат соҳасининг ривожланишини, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини, ёлланма ишчилар яшаш муҳитининг экологик хавфсизлигини тўла тавсифлайди. Бундан ташқари, кўриб ўтилган кўрсаткичлар тизими меҳнат шароитлари сифати даражасини, минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тегишли даражасига эришиш ва минтақа иқтисодиётини барқарор ривожланиш йўлига ўтказиш омилларини баҳолаш имкониятини беради.

Адабиётлар:

1. Porter L.W.A. Study of Perceived Need Satisfaction in Bottom and Middle Management Job//Journal of Applied Psychology. 1961, Vol. 45, pp. 10.
2. Smith P.C., Rndall L.M., Halin C.L. (1959). The measurement of Satisfaction an work and retirement. Chicago Rand McNally.
3. Staats S., Partio C. (1992). Upelts, Hassies and Quality of Life in Workers over 50 years of Age in Developments in Quality of Life Studies in Marketing Vol. 4.
4. M.Joseph Sirgy, H. Lee Meadow, Don Rahiz and A.C. Samil (Eds). Pp.101-106. Blacksburg, Virgima: Academy of Marketing Science.
5. Levelin P.A., Wibker E.A. (1990). Significance of quality of life on turnover intentions of certified public accountants in meadow, H.L., Sirgy, M.J. (Eds). Quality of life Studies in Marketing and Management. Virgima Tech. Center for Strategy and Marketing Studies Blacksburg. V.A. pp. 182-193.
6. Миляева Л.Г. Методические подходы к оценке качества трудовой жизни персонала организаций. Ползуновский альманах, 2009, №1. -С. 149-154.
7. Пикин Б.М. Экономика и социология труда. Учебник для вузов. – М.: «Норма», 2003.
8. Зубарович Р.В. Социальное развитие регионов России: проблемы и тенденции.